

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**



**МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй  
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44  
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгох, 5  
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44  
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2019 йил 12 февраль 1/11-8-274/8-сон

**Марказий аппарат  
таркибий бўлинмалари**

**Давлат хизматлари агентлиги**

**Тошкент давлат  
юримдик университетини**

**“Адлия органлари ва муассасаларида  
ахборот-коммуникация  
технологияларини ривожлантириш  
маркази” ДУК**

**Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази**

**Худудий адлия органлари**

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 12 февралдаги 52-ум-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Очиқ адлия” (“Open Justice”) дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи ижро учун юборилмоқда.

Мазкур буйруқда белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашингиз ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича тегишли маълумотларни “[av.ijro.uz](http://av.ijro.uz)” электрон ахборот алмашинуви тизимига киритиб боришини таъминлашингиз сўралади.

**Илова:** 9 варақда (электрон шаклда).

**Вазир ўринбосари**

**Х. Мелиев**

2019 йил 12 февраль 1/11-8-274/8-сон

**Марказий аппарат  
таркибий бўлинмалари**

**Давлат хизматлари агентлиги**

**Тошкент давлат  
юримдик университети**

**“Адлия органлари ва муассасаларида  
ахборот-коммуникация  
технологияларини ривожлантириш  
маркази” ДУК**

**Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази**

**Худудий адлия органлари**

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 12 февралдаги 52-ум-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Очиқ адлия” (“Open Justice”) дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи ижро учун юборилмоқда.

Мазкур буйруқда белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашингиз ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича тегишли маълумотларни “[av.ijro.uz](http://av.ijro.uz)” электрон ахборот алмашинуви тизимига киритиб борилишини таъминлашингиз сўралади.

**Илова:** 9 варақда (электрон шаклда).

**Вазир ўринбосари**



**Х. Мелиев**

Ижрочи: Н.Нормаматов  
Телефон: 586, (71) 233-64-42





2019 йил 12 февраль

№ 52-ум

“ ” 2019 года

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Очиқ адлия”  
 (“Open Justice”) дастурини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятида шаффофликни тўлиқ таъминлаш, аҳоли билан мулоқотни янги даражага кўтариш, манфаатдор шахсларга вазирлик фаолияти бўйича кенг ҳажмли ахборот бериш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Очиқ адлия” (“Open Justice”) дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари Дастурда белгиланган тадбирлар ижросини белгиланган муддатларда сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб бериши белгилаб қўйилсин.

3. Ишлар бошқармаси (З. Туляганов), Молия-иқтисод бошқармаси (Т. Бекбутаев) Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун тегишли маблағлар зарур бўлган ҳолларда, вазирликнинг харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш бўйича таклифларни киритсин.

4. Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бошқармаси (Ш. Рабиев), Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (С. Уринбаева), Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази (А. Тажиханов):

бир ҳафта муддатда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Дастур ҳақида маълумот беришга қаратилган матбуот анжуманини ташкил этсин;

Дастур ва унда белгиланган тадбирлар ижроси бўйича таҳлилий репортажлар тайёрлаб, телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиб борилишини таъминласин.

5. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (Ў. Назаров):

ҳар ойда вазирлик раҳбариятига мазкур буйруқнинг бажарилиши аҳоли тўғрисида ахборот киритиб борсин;

мазкур буйруқни вазирликнинг таркибий бўлинмаларига етказсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**  
Тошкент шаҳри

**Р. Давлетов**

Адлия вазирлигининг 2019 йил “12”  
 февралдаги “12”-ум-сон  
 буйруғига илова

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Очиқ адлия”  
 (“Open Justice”) дастурини амалга ошириш бўйича  
 ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

№	Тадбир номи	Ижро муддати	Ижро учун маъсуллар	Кутилаётган натижа
<b>I. Жамоатчилик фикрини ўрганиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш йўналишида</b>				
1.	Адлия вазирлиги хайъат мажлисларида жамоатчилик, шу жумладан ОАВ вакиллари иштирокини таъминлаш, хайъатда муҳокама қилинган масалалар ҳақидаги маълумотлар билан телевидение, электрон ва босма нашрлар орқали кенг жамоатчиликни таништириб бориш.	Ҳар чоракда	Ў. Назаров С. Ўринбоева	Кенг жамоатчилик Адлия вазирлиги тизимида амалга оширилаётган ишлар, келгусида бажарилиши режалаштирилган вазифалар билан таништириб борилади.
2.	Адлия вазирлигининг Жамоатчилик кенгаши томонидан фуқароларни қизиқтираётган савол ва муаммоларни ўрганиб бориш, улар ҳақида вазирлик раҳбариятига таклиф киритиб бориш амалиётини жорий этиш.	Ҳар ойда	Ш. Кўчқаров	Жамоатчилик кенгаши томонидан фуқаролар, нодавлат ногижорат ташкилотлари ҳамда ОАВнинг Адлия вазирлиги фаолияти тўғрисидаги фикрини ўрганиб борилишига эришилади.
3.	“Hududiy axborot” телеграм каналида ва “Facebook” ижтимоий тармоғида “Адлия вазирлиги сиз ҳоҳлаган маълумотни бера олдими?”, “Мурожаатингизга берилган жавобдан қониқдингизми?” “Хизмат кўрсатилиш сифатини баҳоланг” каби оммавий сўровларни ташкил этиш, сўровлар натижаларига кўра тегишли йўналишни такомиллаштириш бўйича таклиф киритиш амалиётини жорий этиш.	Ҳар чоракда	Ш. Раблев С. Ўринбоева	Давлат хизматлари кўрсатилиши сифатини оширишга, маълумотларни тақдим этиш ва мурожаатларни кўриб чиқиш каби соҳаларда аҳоли билан қайта алоқа ўрнатишга эришилади.

4.	<p>Адлия органларига келиб тушаётган мурожаатларни умумлаштириш. умумлаштириш натижалари бўйича тайёрланган маълумотномаларни вазирилик веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда жойлаштириб бориш.</p>	<p>Ҳар чорақда</p>	<p>Ў. Назаров А. Мадаминов (13) С. Ўринбоева вазирилик таркибий бўлинмалари раҳбарлари</p>	<p>Вазирликка келиб тушаётган мурожаатларни ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг жамоатчиликка маълумот тақдим этиб борилади.</p>
5.	<p>Адлия вазирилиги, Давлат хизматлари агентлиги, адлия органлари ва муассасалари томонидан амалга оширилган жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жараёнлари ҳақида олдиндан маълумот бериш мақсадида сайёр қабул ўтказилиши ҳақидаги эълонни Вазирилик веб-сайтига ижтимоий тармоқларга жойлаштириб бориш амалиётини жорий этиш.</p>	<p>Доимий равишда</p>	<p>Ў. Назаров С. Ўринбоева Х. Тўрахўжаев вазирилик таркибий бўлинмалари раҳбарлари</p>	<p>Адлия органлари томонидан ташкил этилаётган сайёр қабул ҳақида фуқароларни кенг хабардор қилиш имконияти яратилади.</p>
6.	<p>Адлия вазирилиги веб-сайтида жисмоний ва юридик шахслар томонидан адлия органларига юборилган ўзларининг мурожаатларнинг кўриб чиқилиш ҳолати, шунингдек адлия органлари ходимлари устидан берилган ҳамда ўз тасдиғини топган шикоятлар ҳақида маълумот олиш имконини берувчи махсус платформани ишга тушириш.</p>	<p>2019 йил IV чорақ</p>	<p>Ў. Назаров Ш. Яминов</p>	<p>Жисмоний ва юридик шахсларга ўзларининг мурожаатларнинг кўриб чиқилиш ҳолати, шунингдек адлия органлари ходимлари устидан берилган ҳамда ўз тасдиғини топган шикоятлар билан танишиб бориш имконияти яратилади.</p>
7.	<p>Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларига улар учун ташкил этилган шахсий қабуллар жараёнида заруратга қараб қабул жараёнини мобил телефонлардан фойдаланган ҳолда видео қайд этишга рухсат бериш. Адлия органлари биносида “мобил телефондан фойдаланишга рухсат берилган” ёзувли кўрсаткичларни ўрнатилишини таъминлаш. Бунда айрим ҳолларда (нотариал ҳаракатлар маҳфийлигини таъминлаш ва х.к.) мобил телефондан фойдаланиш чекланиши мумкин.</p>	<p>Шахсий қабуллар жараёнида</p>	<p>Ш. Қўчқаров Ў. Назаров Х. Тўрахўжаев вазирилик таркибий бўлинмалари раҳбарлари</p>	<p>Шахсий қабулларда мобил телефонлардан фойдаланишга рухсат бериш орқали адлия идоралари ходимлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари бузилишининг олди олинишига эришилади.</p>

8.	<p>“Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини”, “Халқаро оила кунини” ва “Халқаро коррупцияга қарши кунини” ва бошқа шу каби халқаро кунлар муносабати билан жойлардаги давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда турли акция, флешмоб ва онлайн савол-жавобларни ташкил қилиш.</p>	<p>доимий равишда</p>	<p>Ш. Рабиев А. Мадаминов (13) вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари</p>	<p>Акция, флешмоб ва онлайн савол-жавобларни ташкил қилиш орқали аҳолини кизиқтирган ва муаммоли масалалар юзасидан тушунтиришлар берилишига эришилади.</p>
9.	<p>Йилида камида 2 маротаба Адлия вазирлиги марказий аппаратида, Давлат хизматлари агентлигида (марказларда), адлия органлари ва муассасаларида “Очиқ эшиклар кунини” тадбирларини ташкил этиш.</p> <p>“Очиқ эшиклар кунини” тадбири ўтказиладиган кун ҳақида олдиндан эълон бериш, тадбир ўтказиладиган кунни ОАВ, шунингдек фуқароларнинг адлия органи ва муассасалари фаолияти билан бевосита яқиндан таништириш (экскурсия) ҳамда иш жараёнини бевосита кузатиш имкони берилишини таъминлаш.</p>	<p>Ҳар ярам йилла</p>	<p>С. Ўринбоева А. Таджиханов Х. Тўрахўжаев вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари</p>	<p>Аҳолини адлия органлари ва муассасалари фаолияти билан бевосита танишиш имконияти яратилади.</p> <p>Шунингдек, фуқаролар Адлия вазирлигининг давлат бошқаруви тизимидаги ўрни ва роли билан таништириб борилади.</p>
<p><b>II. Ҳуқуқ ижодкорлиги, шунингдек мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш йўналишида</b></p>				
10.	<p>Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида мажбурий эълон қилиниши лозим бўлган “Очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхати”ни қайта кўриб чиқиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.</p>	<p>февраль</p>	<p>Ў. Назаров вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида вазирлик томонидан эълон қилинаётган маълумотлар кўлами ва сифатини ошишига эришилади.</p>
11.	<p>Facebook тармоғидаги “Адлия билан мулоқот” ва телеграм мессенжерига “Ҳуқуқий ахборот” каналда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар аннотациясини жойлаштириш.</p>	<p>Ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилган кун</p>	<p>Д. Умаров Ш. Рабиев С. Ўринбоева</p>	<p>Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган ҳужжатлар ҳақида кенг жамоатчиликка маълумот етказиб борилади.</p>

12.	Кенг муҳокамага сабаб бўлаётган қонун ҳужжатлари лойиҳалари юзасидан берилган ҳуқуқий экспертиза ҳулосаси мазмунини Facebook тармоғидаги “Адлия билан мулоқот” ва телеграм мессенжеридagi “Ҳуқуқий ахборот” каналда жойлаштириш.	Тегишли ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган кунни	М. Аллакулиев А. Каримов Д. Умаров Ш. Рабиев	Кенг муҳокамага сабаб бўлаётган қонун ҳужжатлари лойиҳалари бўйича вазирлик позицияси ҳақида кенг жамоатчиликка маълумот бериб борилади.
13.	“Адлия ахбороти” брифингида ой давомида жамиятда бўлиб ўтган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида таҳлилий маълумот бериб бориш.	Ҳар ойда	Ш. Рабиев Х. Тўраҳўжаев С. Ўринбоева	Жамият ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар кенг жамоатчиликка етказиб борилади.
14.	Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ҳамда яқунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни акс эттирган ҳолда расмий веб-сайт ҳамда ижтимоий тармоқларда жойлаштириш.	Ҳар ойда	Ў. Назаров С. Ўринбоева	Давлат дастурининг ижро этилиш ҳолати ҳақида доимий равишда кенг жамоатчиликка маълумотлар етказиб берилади.
15.	Вазирлик томонидан regulations.gov.uz веб-сайтида оммавий муҳокама учун жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига берилган таклифларга вазирлик номидан изоҳ қолдириш шаклида муносабат билдириб бориш амалиётини жорий этиш.	Доимий равишда	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ижросиси	Аҳолининг асосиз норозиликларининг олди олинади, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалишига кўмаклашилади.
16.	Халқаро ҳамжамият ва хорижий инвесторларни миллий ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар билан таништириб бориш учун тегишли конунчилик йўналишлари (солиқ, инвестиция, виза, х.к.) бўйича тарқатма материаллар тайёрлаш ва уларни Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарига тарқатиш.	доимий равишда	Ш. Рабиев Н. Жуманёзов вазирлик тарқибий бўлимлари раҳбарлари	Халқаро ҳамжамият, хорижий инвесторларни миллий ҳуқуқ тизими ва ўтказилаётган ҳуқуқий ислохотлар ҳақида хабардор қилиб борилади.

**Ш. Вазирлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойга қўйиш,  
кадрлар захирасини шакллантириш йўналишида**

17.	Вазирлик сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларда адлия органларидаги вакант иш ўринлари ҳамда номзодларга қўйилган талаблар ҳақида маълумотлар жойлаштириб борилишини таъминлаш.	Вакант ўрин пайдо бўлган пайтдан бошлаб 3 кун ичида	Ш. Қўчқаров С. Ўринбоева вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари	Вакант ўринлар ҳақидаги маълумотларни доимий равишда янгиллаб ва аҳолининг ахборот олиш ҳуқуқи таъминланади.
18.	Адлия вазирлиги Марказий аттестация комиссияси томонидан ўтказиладиган аттестацияни, шунингдек ходимларни юқори мансабга тайинлаш бўйича танлов жараёнини видео қайд этилишини ҳамда реал вақт режимида интернетда онлайн трансляция қилинишини таъминлаш.	Доимий равишда	Ш. Қўчқаров Ш. Яминов	Адлия тизимда кадрлар билан ишлаш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш орқали, аҳолининг адлия органларига бўлган ишончини юксалтиришга эришилади.
19.	Адлия органлари ходимларининг аттестациядан ўтказилиш жараёнини барча ҳудудлар ва муассасалар кесимида бир вақтда ўтказилишини, аттестация жараёнида вазирлик ходимлари, жумладан соҳа фаолиятига услубий раҳбарлик қилувчи марказий аппарат таркибий бўлинмаси ходимларининг масофавий шаклда қатнашишини таъминлаш.	Доимий равишда	Ш. Қўчқаров вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари	Аттестация жараёнининг шаффофлигини таъминлаш орқали тизимда энг муносиб ходимлар ишлашига эришилади.
20.	Адлия органлари ходимларининг аттестациядан ўтказилиш жараёнида жамоатчилик вакиллари иштирокини таъминлаш.	Доимий равишда	Ш. Қўчқаров вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари	Адлия тизимда кадрлар билан ишлаш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш орқали аҳолининг адлия органларига бўлган ишончини юксалтиришга эришилади.
21.	Юридик таълим муассасалари битирувчилари ҳамда адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари ўртасида учрашувлар ташкил қилиш, адлия органларида ишлаш истагини билдирган ёшларни волонтер сифатида иш ўрганишга жалб қилиш, ушбу жараёнларни ОАВда кенг ёритиш.	февраль-июнь	Е. Канъзов О. Ҳакимов Ш. Қўчқаров С. Ўринбоева	Битирувчи ёшларни адлия органлари ва муассасаларида меҳнат қилишга қизиқишини орттиришга мотивация берувчи учрашувлар ташкил қилиш орқали жамоатчиликка кадрлар сиёсати ҳақида маълумотлар етказиб берилади.



22.	Адлия органларининг аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлари, жумладан нотариал идоралар ва давлат хизматлари марказлари ходимларининг ўз вазифаларини бажаришда йўл қўяётган камчиликлари устидан интернет орқали тезкор шикоят бериш тизимини яратиш, бунда ходимнинг айби аниқланган ҳолатлари кенг ёритиб борилишини таъминлаш, ўз вазифаларини лозим даражада бажара олмаётган ходимлар рейтингини шакллантириш.	Тизимни яратиш Февраль-март ёритиб бориш Доимий равишда	Х. Тўраҳўжаев Б. Хасанов Ш. Яминов Ш. Қўчқаров С. Ўринбоева	Ўз вазифаларини лозим даражада бажараолмаётган рейтингини шакллантириш орқали хавли гуруҳга кирувчи ходимлар рўйхати шакллантирилади ҳамда улар билан манзилли ишлаш орқали аҳолининг адлия органларидан қониқиш даражасини ошишига эришилади.
23.	ТДЮУ ва юридик коллежларга кириш имтиҳонлари жараёнларини видео кайд этилишини ҳамда реал вақт режимида интернетда онлайн трансляция қилинишини таъминлаш.	Имтиҳонлар ўтказиладиган давр мобайнида	Е. Канъязов Ш. Яминов О. Ҳакимов	ТДЮУ ва юридик коллежларда бўладиган имтиҳонларнинг шаффофлиги таъминланади.
<b>IV. Вазирликка юклатилган бошқа вазифа ва функцияларни бажаришни таъминлаш йўналишида шаффофликни таъминлаш йўналишида</b>				
24.	Адлия вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмаларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ маълумотлар <i>(харажатлар сметасининг бажарилиши билан боғлиқ ҳисоботлар, товар (хизмат)ларни харид қилиш билан боғлиқ шартномалар рўйхати)</i> ни вазирлик веб-сайтида эълон қилиб бериш.	Ҳар чоракда	Т. Бекбўтаев З. Туляганов С. Ўринбоева вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари	Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг харажатлари билан аҳолини таништириб боришга ҳамда Адлия вазирлигининг молиявий жиҳатдан очиқлигини таъминлашга эришилади.
25.	Вазирлик ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан товар (хизмат)ларни сотиб олиш бўйича ташкил этиладиган очиқ танловлар (тендерлар) ва кимовшди савдолари ҳақида тегишли онлайн платформалар билан бир қаторда ижтимоий тармоқларда ҳам эълон берилишини таъминлаш.	Маълумотлар тегишли онлайн платформага жойлаштирилган кунни	З. Туляганов С. Ўринбоева	Вазирлик ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан товар (хизмат)ларни сотиб олиш бўйича ташкил этиладиган очиқ танловлар (тендерлар) ва кимовшди савдолари ҳақида кенг жамоатчиликка маълумотлар тақдим этиб борилади.

26.	<p>Давлат нотариал идоралари, Давлат хизматлари марказлари биноларини лойihalаш ва куришда ходимларни жойлаштиришнинг "open space" усулидан фойдаланиш, бунда давлат нотариусларнинг хизмат хоналарини бино ичкарисидан бемалол кузатиб туриш имконини берадиган шаклда курилишини таъминлаш.</p>	<p>Биноларни лойihalаш ва куриш жараёнида</p>	<p>Х. Тўрахўжаев З. Туляганов хулудий адлия органлари раҳбарлари</p>	<p>Давлат нотариал идоралари, Давлат хизматлари марказлари биноларини лойihalаш ва куриш жараёнида "open space" усулидан фойдаланиш коррупция ҳолатларини олдини олади ва меҳнат унумдорлиги ошишига хизмат қилади.</p>
27.	<p>Адлия органлари томонидан ташкил этиладиган тадбирларда аутсорсинг механизмларини жорий этиш мақсадида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалиётда қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш.</p>	<p>2019 йил май</p>	<p>З. Туляганов А. Сайдахмедов</p>	<p>Тадбирлар уюштириш ва хўжалик сарф-харажатларни амалга оширишда маблағлардан унумли ҳамда очик фойдаланилишига эришилади.</p>
28.	<p>Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган нодавлат нотижорат, жумладан диний ташкилотлар ҳақидаги маълумотларни Facebook тармоғидаги "Адлия билан мулоқот" саҳифасида жойлаштириш.</p>	<p>ННТ давлат рўйхатидан ўтказилган куни</p>	<p>З. Маҳмудов С. Ўринбоева</p>	<p>Нодавлат нотижорат, жумладан диний ташкилотларнинг рўйхатдан ўтиши бўйича маълумотлар кенг жамоатчиликка тақдим этиб борилади.</p>
29.	<p>Хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, жумладан ўтказилаётган учрашувлар ҳамда уларнинг натижалари ҳақидаги маълумотларни веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда ёритиб бориш.</p>	<p>Учрашувлар ўтказилган куни</p>	<p>Н. Жуманёзов С. Ўринбоева</p>	<p>Вазирлиқнинг хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳақида кенг жамоатчиликка маълумот бериб борилади.</p>
30.	<p>Адлия вазирлиги иштирок этаётган халқаро шартномаларнинг бажарилиш ҳолати бўйича маълумотнома тайёрлаш ва уни расмий веб-сайт ҳамда ижтимоий тармоқларда тарқатиш.</p>	<p>Ҳар чоракда</p>	<p>Н. Жуманёзов А. Мадаминов (05) Б. Ҳасанов С. Ўринбоева</p>	<p>Амалга оширилишида Адлия вазирлиги иштирок этаётган халқаро шартномалар тўғрисидаги маълумотлар кенг жамоатчиликка тақдим этиб борилади.</p>
31.	<p>Ҳар ойда бир маротаба электрон нашрлар билан ҳамкорликда туман (шаҳар) адлия бўлимлари ходимларининг, нотариусларнинг бир кунлик иш фаолиятини тўлиқ ёритишга бағишланган "Адлия ходимининг бир куни" мавзусида махсус репортаж тайёрлаш.</p>	<p>Ҳар ойда</p>	<p>А. Таджиханов С. Ўринбоева Б. Ҳасанов хулудий адлия органлари раҳбарлари</p>	<p>Адлия органлари фаолияти ҳақида аҳолида тўлиқ маълумот шаклланишига эришилади.</p>

32.	<p>Адлия органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтга жойлаштириш.</p>	<p>Ҳар чорақда</p>	<p>А. Мадаминов (13) С. Ҷринбоева</p>	<p>Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида фуқароларни мунтазам хабардор қилиб бориш натижасида адлия органларига нисбатан аҳоли ишончини янада оширишга эришилади.</p>
33.	<p>Худудий адлия органлари раҳбарларининг телевидение орқали амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот беришни жорий қилиш.</p>	<p>Ҳар чорақда</p>	<p>Худудий адлия органлари бошлиқлари</p>	<p>Адлия органлари фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб боришга ва худудий адлия органларининг халқ олдидаги маъсулиятини оширишга эришилади.</p>
34.	<p>Ҳар йил якуни бўйича адлия вазирининг вазирлик томонидан бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот бериши бўйича матбуот анжуманини ташкил этиш. Ҳисоботнинг матн ва видео шакларини вазирлик веб-сайтида жойлаштириб бориш. Ҳар йил якуни бўйича вазирлик томонидан амалга оширилган ишлар бўйича махсус ҳисобот-маълумотнома шаклида рисола тайёрлаш ва уни давлат ва нодавлат ташкилотларига тарқатиш, электрон шаклини вазирлик веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда жойлаштириш.</p>	<p>ҳар йили IV чорақ</p>	<p>С. Ҷринбоева Ш. Рабиев Ў. Назаров А. Таджиханов</p>	<p>Аҳолининг Адлия вазирлиги томонидан бажарилган ишлар натижаси билан мунтазам танишиб боришга эришилади.</p>